

## ЎЗБЕКИСТОНДА САНЪАТ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи кутта*

*илмий ходими :Манзура Холбаева*

Амалий санъатнинг тарихий келиб чиқиши инсониятнинг болалик даврига бориб тақалади. Башарият улғайиб борган сари амалий санъат ҳам юксала борди, Яшаш учун кураш мавжуд экан, яхши яшаш учун эҳтиёж кучайиб бориш жараёнида қўл меҳнатидан ақлий меҳнат ажралиб чиқа бошлади. Ов қуроллари, уй-рўзгор буюмларига бўлган эҳтиёж кучайиб борди. Аввало тош ўймакорлиги, суяк ўймакорлиги, кейинчалик эса Ёғоч ўймакорлиги ҳам секин асталик билан ўз ривожини топди.

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида халқ амалий безак санъати турлари бой ва ранг-баранг маданий меросимизнинг энг ажойиб ва оммавий қисмини ташил этади. Ўзбек диёрида вужудга келиб гуллаб яшнаган санъат турлари бемисил ва бетакрорлиги билан дунёга машхур. Бундай тараққиёт босқичлари хақида фикр юритадиган бўлсак, ўзбек амалий безак санъати турларининг шох илдизлари инсониятнинг болалиги, яъни ибтидоий жамиятга бориб тақалишининг гувоҳи бўламиз. Ўлкамиз заминидаги қатламларини қазишлар натижасида топилган ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, инсоннинг жисмга бадий ишлов бериш усулида буюм яратиш фаолияти тош асридаёқ бошланган ва асрлар оша хозиргача давом этиб келмоқда. Амалий санъатга бу қадар чуқур фалсафий ёндошиш натижасида шартлилик, стилизация — рамзийликка асосланган бадий безак асарлари яратиш кучайган. Ушбу тарихий омил ўзбек миллий безак санъатининг гуркираб ривожланишига туртки бўлганки, хозирда жаҳонга машхур меъморчилик ёдгорликларимиз улардаги ганчкорлик, кошинкорлик, наққошлик, ҳаттотлик, тоштарошлик ва бошка турдаги санъатларнинг ажойиб даражада уйғунлигидан ва мужассамлигидан иборатдир. Халқ

амалий безак санъати кишиларнинг маънавий оламини бойитади, бадиий дидини шакллантиради, рухиятини тарбиялайди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ амалий санъати кишиларни бадиий ахлоқий, умуминсоний тарбиялаб, уларнинг илмий дунёкарашларини шакллантиришда, ҳамда маданий даражасини оширишда энг зарур манбалардан бири ҳисобланади.

Яқин ўтмишда ўзбек амалий безак санъатининг энг ривожланган наққошлик, ганчкорлик, тош ва суяк уймакорлиги, кандакорлик, пичоқчилик, бўйрачилик, заргарлик, каштачилик, зардўзлик, гиламдўзлик, кигизчилик, саватчилик каби турларининг ўзига хос бажариш технологиялари, ҳақиқий миллий номлари, уларга хос атамалар, бу санъатларга хос мактаблар, услублар ҳамда шу соҳаларда ном қозонган усталарнинг хизматлари бутун жаҳонга донғи кетган.

Ўрта Осиё наққошлик санъати қадимдан дунёга машхур. Ўтмишда ота-боболаримиз кўрган мухташам бинолар ҳозирги кунгача мафтункор жилвасини йўқотмаган. Юксак дид билан ишланган нақшлар ҳозиргача бизни хайратга солиб келмоқда.

Нақш арабча тасвир, гул деган маънони билдиради. Қуш, хайвон, ўсимлик, геометрик ва бошқа шаклларни маълум тартибда такрорланишидан ҳосил қилинган безакдир.

Ислом талабларига бўйсуниб оқибатида жониворлар, паррандалар ва одамларни тасвирлаш йўқолиб бориб наққошлик ривож топди. Араб ёзуви узлаштирилди. Натижада нақшлар билан унвонли ёзув (эпиграфика) услуби пайдо бўлди. Араб ёзуви нақшлар билан бирга чизилди. Араб ёзуви ҳам безак, ҳам дуо афсунлар вазифасини бажарди.

Наққошлик халқ-амалий безак санъатнинг бир тури сифатида қадимдан ўзбек маданиятининг муҳим бўлаги ҳисобланади. Кўп асрлар мобайнида унинг бадиий анъаналари вужудга келди. Нақшларда санъатнинг бошқа ҳамма турларидан фарқли равишда авлодларнинг чамбарчас боғлиқлигини, анъаналарнинг давомийлигини кўриш мумкин. Наққошлик анъаналари санъатнинг ана шу турини ўрганиш методлари сифатида ҳам

бободан отага, отадан ўғилга ўтиб келган. Ана шу давомийлик туфайли нақш санъати hozirгача сақланиб келмоқда. Нақшнинг энг яхши намуналари бой ижодий фантазия орқали бирлаштирилган шаклларнинг мақсадга мувофиқлиги ва гўзаллиги билан фарқланади. Бунда халқ усталарининг атроф муҳитга карашларидаги тафовут акс этади. Нақшдаги чизгилар уйини мусиқадаги оханг сингари, кушиқ ва эртак каби “халқ хаётий тажрибасининг катта умумлашмасидан” иборат бўлади.

Бадий наққошлик рангларнинг уйғунлигида ва ўзига хос композицияларда гўзаллик яратиш санъатидир. Наққош уста ўз ишида рангнинг табиий жилосидан, бежирим шаклдан, материал фактурасидан моҳирлик билан фойдаланиб ёрқин ифодаликка эришади.

Ўзбекистоннинг анъанавий меъморчилигида наққошлик асосан шифтларни, сарой устунларини, масжидлар, мактаблар, бойларнинг уйлари, ёғочдан ясалган буюмларни безашда қўлланган. Нозик ўсимликсимон-геометрик нақшдаги узаро сингиб кетган новдалар, шохлар ва хашаматли тасвирланган гулларнинг ритмик харақати, ўзбек усталарининг ишларидаги ислими ва гирих нақшларининг классик мотивлари шифтларнинг шаклига мосланган. Нақш купрок интерьерларни ва ёпик айвон, пешайвонларни безашга хизмат қилади. Ҳозирги пайтда нақшдан меъморчиликда, уй жихозлари, совғалар, майда ёғоч ўйинчоқлар, мусиқа асбоблари ва турмушда керакли буюмларни безашда фойдаланилади. Бадий наққошлик санъати hozirги кунда кенг тус олмоқда.

Ҳозирги вақтда мактабларда ва мактабдан ташкари муассасаларда тўғарақлар тармоғини иложи борича кенгайтириш вазифаси қўйилмоқда. Халқ наққошлик санъатини ўрганиш инсонларда бадий дидни, меҳнатсеварликни ривожлантиришга ва катор фойдали билим ҳамда малакаларни таркиб топтиришга хизмат қилади. Уларнинг ижодий қобилиятларини аниқлаш ва устиришга ёрдам беради. Халқ амалий санъатининг кайси бир тури бўлмасин унинг заминида нақш элементларидан тузилган композиция ётади. Нақш композициясининг безак

элементлари эса табиатда учровчи гул, новда, барг, парранда ва хайвонот дунёсини тасвирлашда хосил қилинади. Хар бир воҳа ва шаҳарларнинг нақш композициялари бир-бирдан узаро ажралиб туради. Хоразм, Тошкент, Фарғона наққошлик мактабларининг ўз орнамент ва ранг коллоритлари мавжуд. Мустақил нақш тузиш жараёнида стилизация орқали нақш элементларини ўзаро бириктирадilar. Нақш бўлакларининг вазифалари ва равон чизилишига эътибор берилади. Гул, барг, новда, бофта ва кўш бандликдан нақш элементлари тузилади. Усталарнинг фантазиялари, мавжуд нақш элементларини маълум қонун-қоидаларга амал қилган холда жойлаштиришда улар маълум билим ва малакага эга бўлишлари лозимлигини тақозо этади. Биргина “Бодом”, “Қалампир” нусхалари шаклидан наққошлик, заргарлик, кулолчилик, каштачилик, зардўзик каби халқ амалий санъатида турли-туман ўзига хос нақш намуналарини яратиш мумкин. Композиция тузиш йуллари ва уларнинг хомаки намуналарини тайёрлаш наққошлик, ганчкорлик, ёғоч уймакорлик ва бошка амалий санъат турлари учун умумийдек куринсада, аслида кулланиладиган хом ашёси, ижро пардоз турлари билан фаркланади. Композиция сўзи лотинча бўлиб “жойлаштириш, кўриш, тузиш” деган маънони англатади. Бунда танланган нақш композициясига кура унинг элементлари коғоз юзасида бир-бирига боғлиқ холда жойлашиб, яхлит композицияни хосил қилади.

Нақшлар мазмунига кўра ўсимликсимон, геометрик нақшларга, гулли гирих, рамзий ва бошка турларга бўлинади. Ўсимликсимон нақш табиатдаги барг, банд, дарахт, бута гунча ва бошка нарсаларни наққош томонидан стиллаштириб олинган шаклини маълум конуниятлар асосида такрорланишидан хосил қилинган. Геометрик нақш турларидан бири гирих бўлиб, чигал, тугун маъносини англатади. Хандасий нақш — мураккаб нақш тури. У геометрик нақш турларидан бири бўлиб, туртбурчак, учбурчак, айлана ва ёйлардан ҳамда купбурчаклардан иборат бўлади. Геометрик нақш узлуксиз рапортлардан ташқил топган бўлиб, хар бир рапорт уз тўзилишига эга бўлади. Наққошлик атамалари Рута — икки томонга

уланувчи нақш тақсими, яъни хошия нақш. Унинг ўлчами кўпинча 14-20 см атрофида бўлади. Хошия нақш турли хил бўлиб, унинг меҳробга, хонага ишланишига караб лула хошия, ишком ва бошқа турлари бўлади. Мунаббат — арабча устирмок деган маънони англатади. Асоси квадрат ёки туртбурчакдан ташкил топиб, турт томонга такрорланадиган нақш тақсими. Катта юзаларни безашда мунаббатдан фойдаланилади. Мунаббатнинг усимликсимон, геометрик ва бошқа композицион турлари бор. Унинг мунаббати меҳроб, мунаббати бофта, мунаббати ислими, мунаббати гирих ва бошқа атамалари мавжуд.

**Турунж** — арабча “лимон” деган маънони билдиради. Русча медальон. Нақшларда композициянинг марказига чизиладиган нақш тури. Турунж ҳеч қандай нақшга уланмай муаллақ турадиган композиция бўлиб, унинг шакли асрлар давомида ривожланиб, бойитилган.

**Намоён** — форсча қуриниш, манзара демақдир. Намоён ҳеч нимага уланмайдиган мустақил композиция бўлиб, мураккаб нақш турига киради. Унинг усимликсимон, геометрик, гулли гирих, рамзий ва бошқа турлари мавжуд. Намоёнлар симметрик ва ассиметрик тўзилишга эга бўлади.

Шунингдек юқоридаги фикрларимиз давоми сифатида қандакорлик санъатида ҳам нақш муҳим бир ажралмас бўғим сифатида катта рол ўйнайди. Қандакорлик санъати тарихига назар соладиган бўлсак;

Ўзбек халқ амалий безак санъатининг энг кенг тарқалган турларидан бири қандакорликдир. Қандакорлик деганда металлдан ясалган бадий буюмларга ўйиб ёки бўртик қилиб нақш ишлаш тушунилади. Ўзбекистон ҳудудида металлдан ясалган бадий буюмлар ишлаб чиқариш қадимдан ривожланиб келаётган санъат бўлиб, бу санъат ўзининг қадимийлиги билан қулолчиликдан кейин иккинчи ўринда туради. Савдо сотиқда қадимдан қандакорлик буюмларига талаб катта бўлган. Маҳаллий санъат асарлари кўшни мамлакатлар санъатининг энг яхши ютуқлари билан бойиб борган. Маҳаллий усталар олтин, қумуш, жез, мис ва бошқа металллардан ҳар хил

буюмлар ясаганлар. Қадимги ва илк ўрта аср кандакорлиги асосан ҳалланган кумуш кумуш буюмларда ўз ифодасини топган.

Археологларнинг топилмалари шуни кўрсатадики, араб истилоси давригача суғд аҳолиси рўзғорларида бадий металл буюмлар кенг тарқалганлиги исботланди. Ҳайвон шакли ифода этилган мис нақшлар, яъни ёввойи ҳайвонлар калласи ва бошқалар топилган.

Республикамиздаги археологик қазилмалардан топилган металл буюмларда чет эллик усталар номини учратиш мумкин. Бунга сабаб Темур юришлари вақтида чет эллардаги усталарни кўчириб Самарқандга олиб келтирган.

Буюмлар тури нечоғли хилма-хил бўлмасин, Бухоро кандакорлиги ўзининг оддийлиги ва шаклларида қатъийлиги билан ажралиб туради. XX аср бошларига келгандагина Бухоро усталари ҳўл мева вазалари, чойнак ва шу каби четдан келтирилган фабрика усулида ишланган буюмларга тақлидан кумушдан янги шаклдаги буюмлар ишлаб чиқара бошладилар. Бухоро кандакорлигида нисбатан эркин фон, одатда, штрих соясида қолиб кетарди. Бухоро буюмларидаги нақшлар Қўқонникидан анча йирик ва Тошкентникидан нафисроқдир. Бухоро беагига текис, анчагина кенг, усталар «кундал» деб юритадиган контур полосалар алоҳида таъсирчанлик касб этади. Усимлик беаги нафис ва равшандир. Бухоро кандакорлари каллиграфик ёзувлардан маромида фойдаланиб, у билан буюмларнинг айрим қисмлари — кўза танаси бўйни бандлари, патнисларнинг кенг туб қисмини ва ҳоказоларни безатишган.

Бугунги кунда кандакор уста ҳунармандларимиз қадимий кандакорлик технологияси ва орнаментларини тиклаб, жудаям нафис ва чиройли кандакорлик маҳсулотлари тайёрламоқдалар. Улар юксак маҳорат билан ясаган ҳунарманчилик буюмлари кўпгина халқаро кўргазмаларда нуфузли ўринларни эгаллаб, Ўзбек ҳунарманчилигини дунёга машҳур этиб келишмоқда.

Бундан ташқари кандакорлик билан узвий боғлиқ бўлган амалий санъатнинг яна бир тури бу “**Мисгарлик**”дир.

Ўзбекистонда мисгарлик қадим замонлардан буён давом этиб келаётган санъатдир. Мисгарлик деганда мисдан қуроллар, уй-рўзғор буюмлари ва бошқа жиҳозлар яшаш касбини тушунамиз. Мисгарлик хунармандчиликнинг қадимий ва кенг тарқалган туридир. Мисгарликда ишлатиладиган асосий материал – мис. Мис нима? Мис нима учун ишлатилади, деган савол туғилади.

**Мис** – қадимдан инсонга маълум бўлган металл. Мис ва унинг қотишмалари инсоннинг моддий маданиятини ўстиришда катта аҳамиятга эга. Қадимда юнонлар мис рудасини биринчи бўлиб Кипр оролларида қазиб олганликлари учун унинг номи латинча киргитиб деб аталади. У табиатда таркибида темир, кумуш ҳаттоки олтин бўлган руда ҳолида учрайди. Мис ҳаётий физиологик жараёнда қатнашадиган муҳим элемент, У юмшоқ, чўзилувчан, болғаланувчан қизил ёки қизғиш металл. Мис иссиқлик ва электр токини жуда яхши ўтказиб кумушдан кейин иккинчи ўринда туради. У ҳавода тез оксидланиб қораяди. Нам ҳавода мисгидрокарбонат ҳосил қилгани учун кўкаради. **Мис буюмларининг турлари:**

Металлдан ишланган идишларнинг умумий шакли маълум пропорция ҳамда силуэтга эга. Сув солинадиган ҳамда чой дамлаб ичиладиган идишларнинг шакли хилма-хил бўлади. Бу идишлар шарсимон юмалоқ, агар япалоқсимон бўлса сатранжи, қаноти нафари, шакли қовурғали, пилтали, қиррали, рахли бўлган. Шундай идишлар борки, уларнинг қорни бир хил бўлиб, дастаси ва тумшуғи билан фарқ қилган. Мис лаганлар кўпинча доирасимон баъзи бирларигина овалсимон ёки тўртбурчак бўлади. Буларни Бухороли ҳамда Самарқандликлар чоркунж деб юритадилар. Мис лаганларининг лавхўри, дулава ва қошиғлик турлари бор.

**Лавхўри** — овалсимон ёки тўртбурчак мис лаганларнинг лаблари ён томонга қайрилган бўлади. Бу лаганлар ўсимликсимон, геометрик ва рамзий нақшлар билан жуда нафис қилиб безатилган.

**Дулава** — тухумсимон ёки тўртбурчакшаклдаги мис лаганларнинг ён томонга айрилиб яна давом этиб пастга қайрилгани. Бу лаганлар ҳам жуда чиройли қилиб ишланган.

**Қошиғлик** — қошиқи, тухумсимон ёки тўртбурчак мис лаганларнинг ён томонга қайрилиб яна давом этиб пастга қайрилган, лаблари кунгурали бўлади. Юз-қўл ювишда дастшўй ва офтобалар ишлатилади. Сув келтириш учун сатил, сув олиш учун сархум, нон иситиш учун нондон ва бошқа рўзғор буюмлар шаклининг ўзига хослиги ҳар бир воҳаларда ўзига хос тузилишга эга.

**Сархум** — катта хумлардан сув олишда ишлатиладиган мис идиш шакли кружкага ўхшаш, лекин унинг ҳажми катта банди эса жуда чиройли бўлади. Сархумни қуйиб ёки ясама усулда ясалади ва безалади. Ўзбекистон кандакорлиги идишлари Ҳиндистон, Шарқий Туркистон, Эрон, Кавказ ҳамда Туркия халқларига яқин ва ўхшашдир, чунки Ўрта Осиё халқлари кўшни халқлар билан кўшничилик алоқаларида бўлган. Ўрта Осиё территориясида ўрдак кўринишидаги офтоб, алар ҳам қўлланилган.

**Ўрдак офтоба** — қопқоғи ўрдаксимон, кафти, дастаси, жўмрак ўрнига ўрдак тумшуғининг шакли ўрнатилган идиш. Ўрдак офтоба Қўқон шаҳрида инқилобгача кенг тарқалган бўлиб унда чой дамлаб ичилса ҳам бўлади. Олимларнинг айтишича, Шарқ мамлакатларидан келтирилган бўлиши ҳам мумкин. Бу идишлар Ўрта Осиёда фақат кулолчиликда тайёрлангандир. Жумхуриятда тарқалган баъзи бир шакллар Кавказ ҳамда Эрон халқларининг идишлари ўртасида учрайди. Офтобалар панжарасимон «шабака» қилиб ҳам ишланган.

Шабака – мис идишларга майда қилиб тешиб ишланган панжара. Тошкентда «Сумбарно» деб юритилади. Шабака бу мисгарликда техникавий услуб ҳисобланади.

Хоразмда сув учун қумғон деган идиш ишлатилади, лекин бу идиш ҳеч бир вилоятда қўлланилмайди. Оригиналлиги шундаки ушлайдиган



дастаси йўқ. Бошқа вилоятларда офтоба деб юритилади. Кейинги вақтларда фабрика ва заводларда х,ар хил металл ва чинни идишларнинг кўплаб ишлаб чиқарилиши мисгарлик хунармандчилигининг ривожига салбий таъсир килди. Лекин шунга қарамай, кўплаб мис идишлар ясаляпти.

Сув келтириш, сув сақлаш ва чой дамлаш учун мис чойнак, мис кўза, чойдиш (чойжўш), кашкил ўзбек халқи орасида энг кўп тарқалган мис идишлардан биридир. Чойдишда сув ташилади ёки чой қайнатилади. Унинг бўйи 25—30 см, қорни эса баландлигига яқин катталиқда бўлади. Улар ҳар хил кўринишга эга бўлиб тагида чамбараги бўпади. Унинг дастаси қуйилиб идишнинг ўртасига икки мих билан парчинлаб маҳкамланади. Чойдишнинг қопқоғи кўпинча «шабака» яъни панжарали ўйма қилиб ишланиб дастасига ўрнатилади. Дасталари ёй шаклида қайрилган бўлиб, пастки учи туморча «мадохил» шаклида тугайди. Баъзи ҳолларда илон бошига ўхшатиб қуйилиб, илоннинг оғзи очиқ ёки ёпиқ қолда тасвирланади. Қадимги мисгарларнинг айтишича, илон бошининг тасвири идишни жинлардан сақлайди. Кўпинча идишлар дастасига идишни ишлаган устанинг номи, айрим ҳолларда буюртма берганнинг номи бадий қилиб ёзиб қўйилган. Чойдишларнинг юмалоқ, япалоқ қоринли «сат-ранж» ва ингичка бўғизли «исфахон»лари бўлган.

Кўза – ариқ ёки қудуқ сувларини ташишда ишлатиладиган каттароқ идиш. Кўза икки хил: қорни юмалоқ бўғиз юқорига кичрайиб кетувчи ҳамда конуссимон қоринли бўлади. Сув олиб келиш учун мис челақ «кашкил» ҳам ишлатилган. Унинг пастки қисми эса текис бўлади. XX аср бошларида Европада челақка ўхшаш кашкиллар х,ам ишлаб чиқилган. Хивада сув идишлари тун деб аталиб, у юмалоқ шаклда бўлади, баъзида қопқоғи ва дастаси ҳам бўлади.

Қўл ювиш учун офтоба, обдаста, қумғон, дастшўй, селобча, чилопчин, туфдон (туфлагич)ва бошқалар ишлатилган. Бухородаофтоба дейилса, Самарқанд, Тошкент ҳамда Фарғонада обдаста деб юритилади.

**Дастшўй** – кўл ювиш учун ишлатиладиган мис идиш, у юмалоқ кўринишга эга бўлади. Дастшўйнинг усти панжара қопқоқли бўлиб, қопқоқ идишга бурама ҳолатда мақкамланган. Сувни тўкиш ёки тозалашда ундан ажратиб олиш мумкин. Дастшўй ажойиб нақшлар билан безатилади. Ичимлик ва овқатларни махсус мис лаганларга қўйиб устидан қопқоқ билан ёпишган. Мис лаган, мис товоқ, лаъли баркаш, озиқ-овқатларни ёпиб қўйиш учун саври, кашкил, сатил ва бошқалар ишлатилган. Самарқанд ва бухороликлар оддий челақни сатил деб юритадилар. Мис лаганлар энг кўп тарқалган идишлардан бўлиб, улар юмалоқ тухум (лаъли) шаклида тўртбурчак (лаъли чоркунж) шаклларда бўлади. Лаганлар оёқли ҳам бўлиши мумкин. Бухорода биринчи бўлиб мис лаганларга меъморлик ёдгорликларига хос қилиб безашни уста мулла Муқаддам Мукаррамов бошлаб берган.

У куёш, юлдуз, ярим ой ва бошқа нақш элементларини жуда кўп ишлатган. Айниқса диний маросимларда, чилкалит, исирикдон, дарвешларни идиши, кашкил ишлатилган. Ўша вақтларда ўлка бўйлаб сон-саноксиз дарвешлар бўлиб, улар челақка ўхшаш кашкилни кўлда кўтариб садақа сўраб юрганлар. Катта кашкиллар ҳам бўлиб, улардан мазор ва мақбараларда тупроқ ташилган. Дарвешларнинг кашкили жуда чиройли нақшлар билан безатилиб орасига қуръондан оятлар ёзилар эди.

**Ов дўмбираси** — довул, пул сақланадиган ғаладон, шамдон, мирқроз, безаклар сақланадиган қутича (сандикча), қалам солинадиган мисчилим, қирғич, қошиқчалар, манқал шу кабилар мисдан ясалган.

Хон ва беклар овга чиққанларида ов бошланганидан дарак бериш ва парранда, ҳайвонларни чўчитиш ҳамда ҳайдаш учун дўмбираларни чалишган. Бу дўмбиралар довуллар деб юритилган. Улар ҳам ажойиб қилиб безатиларди. Шам пайдо бўлгандан сўнг шамдон, шам учини тозалайдиган қайчи микрозларни ҳам кандакорлар ажойиб қилиб безаганлар.

**Ўсмажўшак** — ўсма эзиш ва қош бўяш учун ҳамда турли бўёқлар тайёрлашда ишлатиладиган мис идишча. Бу идишчани учта оёғи ҳамда

дастаси бўлади. Ўсмажўшакни кандакор ислимий нақшлар билан безаган. Ўсмажўшак узум барги шаклида ҳам бўлади.

**Сурмадон** — оғзи кичкина, устки қисмида эса бурма тешикчаси бўлиб, бу тешикча темир найча ўтказилган пўкак билан маҳкамланган бўлади. Шу найча билан Ўрта Осиё, Шарқ хотин-қизлари қош ҳамда киприкларини бўяр эдилар. Бу сурмадонлар нақшлар билан безатилган бўлади. Айрим ҳолларда балиқ шаклидаги сурмадонлар ҳам бўлган.

**Манқалдон** — печка ўрнида ишлатиладиган идиш. У оёқчалардан, деворчалардан иборат бўлиб, йиғилганда қиррали катта тўгарак ташкил қилади. Рихтагарлар манқалдонларни ҳар хил формада ясайдилар. Манқалдонлар юмалоқ, тўрт қиррали, олти қиррали, ўн икки қиррали ҳам бўлади. Ясалган манқалдоннинг қанча қирраси кўп бўлса, шунча у оғир бўлади. Уни кўтариб юриш учун икки томонида қулоғи бўлади. Баъзида чойнак қўйиш учун чуқурча ҳам ўйиб қўйилади. Манқалдонни айрим ҳолларда сандал остига қўйиб иситиб ўтиришган. Қишда унинг ичига арча кўмир ёқиб, хонадонларда, расталарда хунармандлар фойдаланадиган печка ўрнида ишлатиладиган идишдир.

Мева шарбатлари ҳамда ҳар хил ичимликлар учун: мис коса, шарбат коса, мис қозонлари, нон иситиладиган — нондон, турли хил кружка ҳамда чўмичлар, сархум, капкир ва бошқалар ҳам ишлатилган. Идишларнинг баъзи бирларини ишлатишга эҳтиёж бўлмасада, лекин кўпчилиги кундалик ҳаётимизда ишлатилиб келинмоқда.

#### **Мис идишларни яшашнинг техник усули:**

Мис буюмлари уч хил мутахассиснинг қўлидан ўтади. Сарик, қизил мис идишларнинг ички ва ташқи сирларини қалайлаш ишларини мисгар айрим деталларини масалан, дастаси, қопқоғи, қуббасининг учи (сонуласини), тумшуғи ва бошқа қисмларини рихтагар, чиройли нафис нақшлар билан безаш ишларини кандакор бажарган. Ҳаётда ишланадиган буюмлар „икки йўл билан, яъни қолипи ва кандакори ҳамда симкори каби мураккаб усулда нақшланади.

Қолипи — идишларга қолип асосида нақш яратилади. Пулатдан ёки бринжидан ясалган қолип (ўйиб ёки қуйиб ишланади) устига мис парчасини ёки юпка қўрғошин пластинкасини қўйиб аста болға билан урилади. Натижада мис парчаларидан нақшлар пайдо бўлади. Нақшинкор миспарчалари мис буюмларининг хоҳлаган жойига ёпиштирилади.

Кулолчилик санъати ҳам амалий санъатнинг ривожланган турларидан биридир. Ўзбекистон кулолчилик санъатининг энг бой меросини сақлаб қолган маскан ҳисобланади, чунки замонавий анъанавий ва ноанъанавий кулолчилик санъати (XIX асрда тарихан шаклланган) вакилларида маҳаллий маданиятнинг тарихий қатламларига қизиқишлари кузатилмоқда.

Ўзбекистонда қадимдан ҳар воҳанинг ҳунармандчилик марказлари вужудга келиб шаклланган. Ишлаб чиқариш услуги бўйича кулолчилик иккита асосий турларга бўлинган – сирланган ва сирланмаган. Сирланмаган кулолчилик қадим тарихга эга. VIII аср охири – IX аср бошида Мовароуннаҳр шаҳарларида сирланган кулоллик кенг тарқалган. IX-XVIII асрларда ушбу услуб бадиий камолликка ва юқори технологик сифатга эга бўлди.

Бадиий кулолчилик санъати ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда ва тарғиб этилмоқда, унинг янада ривож олиши учун қулай шароитлар яратилмоқда.

Мавзумизнинг бошида таъкидлаб ўтганимиздек ёғоч ўймакорлик санъати ҳам амалий санъатнинг энг қадимий турларидан биридир.

Археологик қазилма ишлари натижасида Сурхон воҳасидаги Юмалоқ тепа тубидан топилган ёғоч ўймакорлиги топилмалари мазкур жойларда бир, бир ярим минг йил муқаддам санъатнинг бу турини яхшигина ривож топганлигини олимларимиз ўз изланишларининг махсули сифатида исбот этиб беришди.

Чингизхон босқинчилиги туфайли X асрга келиб маданий ҳаёт издан чиқди. Ўрта Осиёдаги Бухоро, Самарқанд, Урганч, Балх ва Мавр каби бир

катор шаҳарлар Чингизхон бошчилик қилган мўғил босқинчилари томонидан остин-устин қилиб ташланди. Бу вайронгарчиликларга XIV асрнинг иккинчи ярмида Жаҳонгир Амир Темур Ўрта Осиё халқларини бирлаштириш оркали чек қўйди ва халқимизнинг маданияти, санъати, шу жумладан, Ёғоч ўймакорлигининг ривожига ўзи қурдирган обидалари, асори-атиқалари билан ўз хиссасини қўшди. Самарқандга йирик-йирик санъаткорлар, шоиру-уламоларни, хунарманду-усталарни тўплаб кўплаб жомъе масжидлари, мадрасалар, хонақолар, саройлар ва бошқа улкан иншоотлар қурдирди. Амир Темур вафотидан сўнг Темурийлар Ўртасида бўлган ўзаро тўқнашувлар туфайли маданият ривожига салбий таъсирини утказди.

XVI асрда архитектура иншоотларининг кўриниши янада такомиллашди, кўплаб жамоат бинолари, карвонсаройлар, кўприк сардоба, шаҳарларда хаммом, тим ва бошқа савдо расталари қурила бошланди. Монументал биноларнинг тарихи, қиёфаларига ўзгартиришлар киритилди, хунармандларнинг артеллари вужудга келди. Жомъе масжидлари сарой типига серхашам қилиб қурилди, гузар ва маҳаллалардаги масжидлар қишлоқ ва ёзлик қилиб қурилиб, катта айвонлар ўйма устунли ва эшиклари ҳам ўйма безаклар билан безатилди.

Асримизга қадар санъат асарлари турли қирғинбарот туфайли вайроналар остида қолган бўлса, асримизда «Қизил кўланка» остида қолди. Халқимизнинг ўқимишли, билимдон, зиёли фарзандларини турли сабабларни рўқач қилиб катағон қилишди, Хунарманд усталарни эса шахсий бойлик орттиришда айблаб фаолиятлари тўхтатиб қўйилди. Бироқ халқимизнинг фидойи фарзандларидан ижодкор усталар уста Ширин Муродов, Мирхамид Юнусов, Шамсиддин Ғофуров, Юнус Али Мусаев, Усмон Икромов, Қули Жалилов, Сулаймон Хўжаев, Хайдар Нажмиддинов, Тошпўлат Арслонкулов, Мақсуд Қосимов, Махмуд Усмонов, Олимжон Қосимжонов, Ёқубжон Рауфов, Махмуд Облақулов, Абдулла Болтаев, Қодиржон Хайдаров, Ота Полвонов, Абдураззоқ Абдурахмонов ва бошқа

бир қаторлари ўз хунар сирларини мактабда ва мактабдан ташқари муассасаларда ёшларга ургатишни йўлга қуйдилар, Кейинчалик эса ўз услуби, йўналишига эга бўлган Хива, Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Қўқон каби йирик Ёғоч ўймакорлик мактаблари ривож топди.

Амалий санъатнинг ганчкорлик тури ҳам диққатга сазовор ва жуда қадимий тарихга эга.

Ганчкорлик Ўзбекистон меъморчилик-безак санъатининг қадимий турларидан бири бўлиб, XX асрга келиб Хива, Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган, Қўқон каби шаҳарлари унинг асосий марказларидан ҳисобланади.

**Ганчкорлик** санъати халқ амалий-безак санъатининг бошқа турларига қараганда, меъморчилик санъати билан узвий боғлиқ. Чунки ганчкорлик азалдан сарой, масжид ва мадраса бинолари ҳамда бадавлат шаҳарликларнинг уй-жойларини безаб турган. Дастлаб, қурилишларда маҳаллий мактабларга хос анъаналар билан боғланиш кучли бўлган.

Амалий санъатнинг газлама тайёрлаш, каштадўзлик, зардўзлик, гиламдўзлик, кигизчилик, саватчилик каби турлари ҳам жуда қадимий турлардан ҳисобланади.

Амалий санъатнинг юқорида санаб ўтилган турларидан **зардўзлик** санъатига назар соладиган бўлсак:

**Зардўзлик** — хунаромандчиликнинг қадимий турларидан бири зар ип билан нақш (кашта) тикиш касби. У форсча зар (тилла), дўзи (тикмоқ) сўзини англатади. Зардўзлик санъати узоқ тарихга эга. Зардўзликнинг ватани Вавильон бўлиб, у Рим империясига қарашли бўлгач, зар, ипак ва жун ип қўшиб тикилган ранг-баранг каштачилиги билан бутун дунёга машҳур бўлган. Византияда зардўзи кийим-кечакларни фақат император аёллари, аслзодалар кийишган. Византия билан мунтазам маданият ҳамда сиёсий ҳамкорлик қилиши туфайли зардўзлик санъати Эрон подшолиги саройида ҳам ривож топган. Эронда зардўзлик санъатининг ривожланганлигига XV—XVII асрда ишланган зардўзлик намуналари

мисол бўла олади. Византиядан Қадимги Русияга ҳам зардўзлик санъати кириб келди. Кичик Осиё доирасида зардўзлик XIII ва XV асрларда ҳам ривожланди. Хуллас Византия қаерга таъсирини ўтказган бўлса ўша ерда зардўзлик ривожланган.

Ўрта Осиёда зардўзлик жуда қадимдан ривожланиб келаётган халқ амалий санъати турларидан биридир. Археологик топилмалар ва тарихий манбалардан маълумки, Ўрта Осиё халқлари орасида қадимдан I—II асрларда зарбоф кийимлар, бадий буюмлар кенг тарқалган. 1947 йили Тошкент вилоятининг Вревский қишлоғида ўтказилган археологик топилмада аёл қабридан I—II асрларга тегишли зарбоф кийимлар топилган. Абдураззоқ Самарқандий «Ҳиндистон сафарномаси» асарида 1442 йили Шоҳрух замонида Шимолий Ҳиндистон билан Ҳирот ўртасида турган элчиларнинг совғалари орасида зарбоп кийимлар бўлганлигини айтиб ўтган. 1465 йили «Ашратхона» мақбараси ҳақидаги ҳужжатларда зарбоп кийимлар ҳақида баён этиб ўтган. Ҳиротда яшаб ижод этган Васфий ўзининг рисолаларида зарбоф кийимлар ва зардўзлик касби тўғрисида баён этган. XVII асрда яшаган Самарқандлик шоир Фитратнинг асосий касби зардўзлик бўлган, у матоларга зардан ажойиб кашталар тиккан. XIX-XX аср бошларида зардўзликнинг ўзига хос мактаби яратилган. Ўзбекистонда Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва бошқа жойларда зардўзлик мактаблари очилган. Қимматбаҳо матодан тайёрланадиган зардўзи кийимлар маҳаллий аҳолининг турли табақалари ўртасида кенг тарқалган. Бу кийим-кечаклар асосан амир саройидагилар, шаҳар бойлари учун тикилган. Юзлаб қўли гул усталар ҳаммаси амир саройининг эҳтиёжи учун ишлаган. Бу усталарнинг кўпчилиги ота-бобосидан мерос бўлган касби сарой аҳллари учун камзул, чакмон, чалвор, пойафзал, белбоғ, салла, қулоқ ва жул тикишдир. Бу кийимлар хон ёки унинг яқинлари томонидан оилавий тантана ёки байрам муносабати билан буюртма берилган. Ҳеч ким, ҳатто энг катта амалдорлардан бирортаси ҳам юқорида айтиб ўтилган кийимлардан ҳеч бирини ўзига буюртиришга ҳақи йўқ эди, улар зарбоп кийимларни амир

совға қилгандагина кийишлари мумкин эди. Аёллар ва болаларнинг зардўзи кийимлари фақат бадавлат хонадонларнинг анъаналаридагина кийилган, кийимларни улар турли оилавий тантана ёки байрам муносабати билан кийишган. Бой хонадонларнинг 8-10 ёшдан катта бўлмаган ўғил болаларига суннат тўйи муносабати билан зарбоп тўн кийдиришган». XIX-XX аср бошларида Бухорода ҳукмронлик қилган манғитларнинг охириги сулоласига тааллуқли зарбоп кийимлар ягона ёдгорликлари нусхаси ҳисобланади. Бу борада 1800-1826 йилларда Ҳайдархон подшо замонасида ишланган зардўзи махси (1810 йилда ишланган), 1827-1860 йилларда Амир Насруллохондан жуда кўп зарбоп кийимлар ҳамда. 1895 йилдан 1911 йилгача ҳукмронлик қилган Абдулаҳадхонга мансуб жуда кўп зардўзлик кийимлар кўп сақланиб, ўша даврларда зардўзлик санъати гуллаб яшнаганини ифодалайди.

1915 йили Олимхон даврида Бухорода Кушбеги Мирзо Урганжийнинг уйида подшоқлик устахонаси ташкил этилган. Бу устахона кушбеги ихтиёрида бўлган. Унда ишнинг кўп-камлигидан қатъи назар 20 тадан 40 тагача усталар ишлаган. Устахонага устакор бошчилик қилган. Устакор тажрибали, малакали тарҳкашлардан (яъни нақш чизувчи уста) кушбеги томонидан сайланган. Булардан бири гул тикиш санъатида қоравулбеги, Салим устакорлик лавозимида ишлаган. Кейинчалик Шоиддин ва Абдушукур тарҳкаш бўлган. Улар зардўзларга иш берган, буюртмаларни ўз вақтида бажарилиши ҳамда ишни сифатли чиқишини назорат қилган. Устакор баркут, шойи, ип ва бошқа хом-ашёларни тарқатиб турган. Фақат устакор калобатунни, яъни қимматбаҳо зар ипни кушбеги идораси ичида тайинланган махсус мирзо калобатунчидан олган. Калобатун алоҳида жойда сақланган. Гул кесувчи усталар мазкур устахоналарда асосий кишилардан ҳисобланар эди.

**Пулакча** — зардўзликда ишлатиладиган кичкина тангача. Майда ок, сариқ, қизил ва бошқа рангларда бўлади, буюмга қадаш учун ўртасидан тешикча қилинган металл пистонча.



**Олмос куббалар** — зардўзликда ишлатиладиган турли нав олтиндан зардўзларнинг ўзлари ясаган заргарлик тақинчоқларига ўхшаб кетувчи бўртма нақшлар ҳамда қимматбаҳо тошлар.

**Зарҳал пўғалар** — маҳаллий заргарлар ишлаган, одатда қора сир ва феруза билан безатилган, нафис гул нақши тушурилган бўлади.

Зардўзликда 30 хил классик тикиш усуллари мавжуд. Бу усуллар ўзига хос томонларининг номлари билан бир-биридан фарқ қилади. Н. Аминов ўзининг «Биз зардўзлармиз» рисоласида зардўзлик сирлари, зар тикиш хиллари ва усуллари тўғрисида батафсил тўхтаб ўтган. Зардўзлик умуман иккига бўлинади, биринчиси — заминдўзи, иккинчиси — гулдўзи.

**Заминдўзи** — бунда зар тикилаётган кийим ёки кийим гулнақшининг замини ёппасига зар билан тикилади. Заминдўзи сидди устига тикилиб, сидди жайдари ипакдан тайёрланади. Биринчи навбатда ип 4 ёки 5 қават қилиб, кейин эса икки қават қилиб эшилади. Шу ҳосил бўлган ингичка ипни зардўзликда сидди деб юритилади. Зардўзликда тикилиш, жойининг юзаси катта ёки кичиклигига қараб, ўлчамга мослаб дастгоҳда сиддилар сариқ бўз устига саккиз, йигирма, йигирма тўрт қатор қилиб тортилади. Сиддилар аниқ ҳисоб билан тикилиб улар санаб тикилади ҳамда уларнинг сони мўлжалдагидан ортиқ бўлмаслиги керак. Акс ҳолда, мавж ёки нусхалар бузилади. Заминдўзида мавжи як рўя ва мавжи дурўя қисмлари бор. Заминдўзи қадимда қимматбаҳо тўнларда ишлатилган бўлиб ҳозир зардўзи дўшиларнинг жиягидагина қўлланиб келинади.

**Гулдўзи** — бунда тикилаётган нақшнинг таги оқиқ қолиб фақат гул нақшларининг ўзи зар билан тикилади. Гулдўзи тикиш усули ўзига хос бўлиб, бу қуйидаги босқичда бажарилади. Наққош томонидан нақш чизилади. Нақш нусхаси қалин қоғоз, картон ёки теридан қирқиб андозаси тайёрланади. Сидирға бахмал матога қадаб чиқилади, яъни омонат тикиб чиқилади ёки елимланади. Картон нусхани зар ип билан қошлаб тикиб чиқилади. Бироз бўртма нақш гул ҳосил бўлади. Зардўзликда зар тикиш хиллари ҳамда усуллари жуда кўп. Аммо уларнинг айримлари деярли

қўлланилмаяпти. Бу тикиш хиллари кам қўллансада лекин унинг ишлатиш соҳасини топса бўлади. Бу усулларнинг йўқ бўлиб, унутилиб кетаётгани кишини ачинтиради. Қадимдан қўлланилиб келинган тикиш усулларидан ёш авлод фойдаланса, халқ яратган анъанавий, нодир услубларни асраб қолган бўлар эдик.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтамизки!; Ўзбекистонда амалий санъат турлари жуда хилма-хил ва ранго-ранг бўлиб, бутун дунё халқларини лол қолдиришга қодир саналади. Қадимдан машҳур амалий санъатимиз Мамлакатимиз довуғини дунёга таратади! Юртимизга ташриф буюрган хар бир сайёх борки эсдалик учун санъатимиз намуналаридан албатта ўз юртига олиб кетиб, санъатимизни дунё бўйлаб кезишига хисса қўшади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати :**

- 1 .”Ўзбекистон хунармандчилиги ва амалий санъати” I- том 2016 йил
2. Санъат журнали. 2020 йил №1 сони, 2020 йил № 4 сон
- 3.Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5 том